

Пойтахти - Богчасарой. Худуди-400 минг км² (1500). Давлат тили - татар тили.

Крим хонлиги Днепр ва Дунай орасидаги ерларни, Азов бўйларини ва hozирги Краснодар ўлкасининг катта қисмини эгаллаган. Хонлик расман 1478 йилдан Усманийлар давлатининг иттифокчиси бўлган ва бу иттифок, 1774 йилги Кичик Кайнаржа битими тузилгунча, амалда бўлган. Крим хонлиги Россия империяси томонидан 1783 йили аннексия қилинди.

Мўгулларнинг Кримга юриши 1223 ва 1239 йилларга тўғри келади. 1224 йили улар руслар ва половецларнинг бирлашган қўшинини енгиб Судокни олишди. 1237 йили мўгуллар томонидан половецлар йўқ қилинди. Шундан сўнг бутун Крим Олтин Ўрда номи билан машхур Жўжи улуси таркибига кирди.

1363 йили Литва князи Ольгерд татар қўшинини енгиб Кримга тажовуз қилди, Херсонни талон-торож этди.

1397 йили Витовт Кримга юриши чогида Каффагача келиб, Херсонни вайрон қилди.

1399 йили Тўхтамишга ёрдам берган Витовт Ворскла бўйларида Темур Кутлуг бошлик татарлар томонидан тор-мор келтирилди.

Кримнинг мустикал бўлиши

1420 йили, Едигей вафотидан сўнг, Олтин Ўрда Крим устидан назоратни йўқотди.

Шундан кейин Кримда тахт учун кураш бошланиб кетди. Бу курашда гирейлар сулоласига мансуб Хожи Гирей голиб бўлди. 1427 йили у ўзини Крим хони деб эълон қилди. 1441 йили Литва князлиги ва махаллий зодагонлар томонидан тахтга чиқарилди.

XV аср ўрталарида Олтин Ўрда ичидаги нотинчликлар туфайли давлат Крим, Козон, Астрахан хонлиқлари ва Нўгай Ўрдага бўлиниб кетди.

Усманийлар давлатига тобелик

1482 йили Москва князи Иван III Менгли Гирейни поляк ерларига юриш қилишга чақирди. Менгли Киевни эгаллаб талон-торож қилди. Хон қўлга тушган нарсалардан Иван III га София черковидаги қимматбаҳо буюмларни юборди. 1474 йили Иван III Менгли Гирей билан иттифок тузди, бу иттифок унинг ўлимигача сақланиб қолди.

1475 йили усманийлар қўшини генуяликлар асос солган Крим сохилларидаги Феодоро князлигини эгаллади. Князликда 200 минггача киши яшар, аҳолининг асосий қисми греклар, аланлар, готлар ва бошқалар эди. Кримнинг тоғли минтақаларини, Қора денгиз,

Азов денгизи бўйларидаги ва Кубандаги калъаларини эгаллаган мазкур худудлар тўғридан-тўғри Истанбулга бўйсунарди. Турклар у худудда кўшин, давлат апаратыни жорий қилиб, солиқ йиғиш билан шугулланган.

1478 йилдан бошлаб Крим хонлиги расман Усманийлар давлатининг вассалига айланди, 1774 йилги Кичик Кайнаржа битими имзолангунча, вазият сақланиб қолди. Хонларни тайинлаш, тасдиқлаш ва ағдариш 1584 йилдан Истанбул хошишига қараб амалга оширилди.

Москва давлати ва Реч Посполитага қарши урушлар

XV аср охиридан Крим хонлиги Москва давлати ва Польшага қарши мунтазам юриш қилиб турди. Бу юришлар, асосан, аҳолини талаш ва қул қилишдан иборат эди. Айниқса, асирларни қўлга олиш татарларни қўпроқ қизиқтирарди. Асирларни қул қилиб сотиш хонликнинг муҳим даромад манбаи эди. Каффада йирик қул бозори фаолият қўрсатган. Баъзи тадқиқотчилар фикрича, Кримнинг қул бозорларида икки аср мобайнида 3 миллиондан ортиқодам сотилган, уларнинг асосий қисми руслар, украинлар ва поляклар эди. Хар йили Москва давлати 65 минггача кишини кеч қузгача Ока дарёсини химоя қилишга жўнатган.

Кримнинг ўзида асирлар қўп қолдирилмасди. Кримнинг урф-одатига қўра, қуллар 5-6 йилдан сўнг озод қилинган. Хозиргача сақланиб қолган рус ва украин ҳужжатларида баъзи асирлар ўз юртига қайтиб боргани ёзилади. Озод қилинган кишиларнинг айримлари Кримнинг ўзида қолишни маъқул қўрган. Украин тарихчиси Дмитрий Яворницкий қуйидаги воқеани келтиради: «1675 йили Запорожье казаклари атамани Иван Сирко Кримга босқин қилиб катта мол-мулкни қўлга қиритди, жумладан, етти мингта яқин христиан қулларни ҳам. Атаман уларга казаклар билан бирга ватанингиз қайтасизми ёки Кримда қоласизми деб мурожаат қилган. Асирларнинг уч минги Кримда қолишни билдирган. Сирко уларни қириб ташлашни буюрган». Кримда қулга айлантирилган кишилар исломни қабул қилса, дарҳол озод этилган. Рус тарихчиси Валерий Возгриннинг маълумотлари бўйича, Кримда XVI - XVIII асрлардаёқ қулчилик тугатилган. Асирга олинганларнинг қўпчилиги Усманийлар давлатига сотиб юборилган. Хон Давлат I Гирей Иван IV Грознийга қарши тўхтовсиз уруш олиб борган.

1571 йили Крим хони 40 минг суворий қўшин билан Москвага юриш қилиб ўт қўйди. Хон бу галабаси учун «Тахт олган» (Тахтни олган) унвонига эга бўлди. Қўплаб тарихчилар гувоҳлигига қўра, Москвада бир неча юз мингдан ортиқ киши ўлган ва 50 мингга яқин киши асир тушган. Иван IV Польша қаби Крим хонлигига хар йили ўлпон тўлаш мажбуриятини олди. Пекин 1572 йили Молодых жангида татарлар қашатқич мағлубиятга учрашди. Натижада Крим хонлиги аввалги кудратини йўқотиб, Волгабўйига даъвосидан воз қечди. Кримга ўлпон тўлаш XVII аср охиригача давом этган ва Пётр I даврига қелгандагина тўхтаган.

XVII аср - XVIII асрнинг бошларида Крим

Ислом III Гирей (1644 - 1654) украин гетмани Богдан Хмельницкийга Польшага карши олиб борган курашида ёрдам берди.

Сайёх Авлиё Чалабий 1660 йили Крим бўйлаб саёхат килар экан, бир канча кимматли маълумотлар колдирган, масалан: «Татар фукарolari 12 тилда сўзлашишади ва факаттаржимони оркалигина бир-бирларини тушунишади», -деб ёзади.

Салим I Гирей (1671 -1678,1684 -1691,1692-1699,1702 -1704) усмонийлар билан бирга Реч Посполитага карши муваффакиятли, Москва давлатига карши омадсиз уруш олиб борди. Москвага карши юришдаги мағлубиятдан сўнг Родосга сургун килинди.

Мурод Гирей 1683 йили турклар билан бирга Венани камал килишда, немисларга карши жангларда иштирок этган. Вена остоналарида мағлубиятга учраб турк султониغا хиёнат килишда айбланган ва хонликдан махрум этилган.

Карл XII ва Мазепа билан иттифок тузишга уриниш

1700 йилги Константинополь битими крим татарларига Россия ва Украина ерларига боскин килишни тақиқларди.

Карл XII 1709 йил бахорида Давлат II Гирейга бир неча бор харбий-сиёсий иттифок тузишни таклиф килди. Усмонийлар давлати Россияга карши уруш олиб боришни астойдил истамаётгани боис, Крим хонлиги рус-швед уруши силсиласидаги Полтава жангида бетарафликни саклади.

Полтава жангидан сўнг Карл XII Истанбул ва Богчасарой билан яхши алокани йўлга қўйди. Ахмад III урушда катнашишга иккиланган бўлса, Давлат II Гирей хар қандай чакирикка рози эди. Уруш бошланишини кутмасдан 1710 йил май ойида Карл XII нинг ноиб Филипп орлик ва запорожьеликлар билан битим тузди.

Битим шартлари куйидагича эди:

1. Хон запорожьеликлар билан иттифок тузиш мажбуриятини олди, бироқ бу холатда уларни бўйсундирмаслиги лозим эди.
2. Давлат II Украинанинг Москвадан тўлик мустакил бўлишига ёрдам бериши, бу холатда асир олмаслиги ва православ черковларини таламаслиги керак эди.
3. Хон Украинанинг шарк томонини Москвадан ажратиб, гарб томонига қўшиб ягона мустакил давлатга бирлаштиришда бор кучи билан ёрдам бериши талаб этиларди.

1711 йил 6-12 январь кунлари Крим қўшини Перекопдан ўтди. Киевга Махмуд Гирей 40 минг кишилик қўшин билан юриш бошлади, унга 7-8 минг кишилик орликлар ва

запорожьеликлар, 3-5 минг поляклар, 400 нафар яничар ва полковник Цюлих бошлик 700 кишилик шведлар хамроҳ эди.

1711 йил февраль ойи давомида Крим кўшини Брацлав, Богуслав, Немировни эгаллади. 1711 йил ёзида Пётр I 80 минг кишилик кўшин билан Прут юришига жўнади. Крим кўшини турклар билан биргаликда 70 минг киши чамаланарди. Улар Пётрни қуршовга олишди. Пётр I иложсиз қолиб турклар билан Прут тинчлик сулҳини имзолади. Сулҳга кўра, Россия Азов денгизига чиқиш имкониятидан маҳрум бўлди ва Азов-Кора денгиздаги флотидан айрилди.

1736-1738 йиллардаги рус-крим уруши ва Кримнинг хароб бўлиши

Коплон I Гирей (1707- 1708, 1713- 1715, 1730-1736). Коплон усмонийларнинг Эронга қарши урушида қатнашишга маж-бур эди. Россия империяси норозилигига қарамай, хон кўшинини рус қўлларидан олиб ўтди. Бу эса Крим ва Россия ўртасида янги уруш чиқишига сабаб бўлди. Россия 1735- 1738 йилларда Кримга Миних ва Ласси бошчилигида кўшин жўнатди. Бу юриш натижасида Крим пойтахти Богчасарой билан биргаликда хароб қилинди.

1736 йили Миних кўшини Кезлев ва Богчасаройни бутунлай вайрон этди, шаҳарга ўт қўйилди, қочиб қолган аҳоли қиргин қилинди. Шундан сўнг рус кўшини йўлидаги барча манзилгоҳларни талаб Кримнинг шарқий қисмига юриш қилди. Бироқ ўликпар ўз вақтида дафн этилмагани боис, вабо тарқалиб, қўлаб рус аскарлари қирилди. Миних қолган кўшинни олиб Перекоп ортига кетди. Шарқий Крим 1737 йили Ласси бошлик кўшин томонидан хароб этилди. Рус кўшини Корасувбозорга ўт қўйиб, шаҳар аҳолисини қириб ташлади. 1738 йили Кримга қарши янги юриш режалаштирилди, лекин Кримда ҳаммаёқ вайрона холида бўлгани ва очарчилик давом этаётгани сабаб, юриш уюштирилмади. 1736 - 1738 йиллардаги уруш Крим учун халокатли бўлди. Барча муҳим шаҳарлар хароба холида ётар, иқтисодга жуда катта зарар етказилган, мамлакатда очарчилик ва вабо ҳукм суради. Аҳолининг катта қисми ўлганди.

1768 - 1774 йиллардаги рус-турк уруши ва Кичик Кайнаржа битими

Крим Гирей II бошқаруви даврида Усмонийлар давлатини Россияга қарши урушга тортди. Бу уруш хонлиқнинг қулашига сабаб бўлди. Уруш Россия учун катта фойда келтирди. Румянцевнинг Ларга ва Калугадаги, Орловнинг Чесмедаги галабалари Катеринани бутун Европада машҳур қилди.

Рус кўшини қўмондони Долгоруков Кримга қириб Салим II ни иккита жангда мағлуб этди, бир ой ичида Кримни эгаллади. Долгоруков кўшини Кримни талаб шаҳарларга ўт қўйди, тинч аҳоли ҳам аямай қириб ташланди. Салим II Истанбулга қочди. Кримликлар

куролларини ташлаб Россияга бўйсунитини билдирди.

1774 йил 10 июлда тузилган Кичик Кайнаржа битимига мувофиқ Крим хонлиги сакланиб қолди, лекин Кинбурн, Керчь ва Еникалъя Россияга ўтди, шунингдек, Кора денгизда рус флоти эркин ҳаракатланиш ҳуқуқига эга бўлди.

Сўнги хонлар ва Кримнинг Россия томонидан босиб олиниши

Рус кўшини Кримдан чиқарилгач, бутун мамлакатда исён бошланди. Алуштага турк бўлинмалари келиб ўрнашди, рус резиденти Веселицкий Шохин томонидан асирга олиниб турк кўмондонлигига топширилди. Алушта, Ялта ва бошқа жойларда рус бўлинмаларига ҳужум қилинди. Кримликлар Давлат IV ни хон қилиб сайлашди. Бу вақтда Истанбулдан Кичик Кайнаржа битимининг матни олинди. Бирок кримликлар битимда кўрсатилган шаҳарларни Россияга беришни хошлашмасди.

1776 йили Россия жанубий чегаралар хавфсизлигини таъминлаш мақсадида Днепр бўйлаб Азовгача 7 та қалъа қурди.

Хон Шохин Гирей ҳукмронлиги даврида бир қатор ислохотлар ўтказишга уринди. Лекин аҳоли ўртасида ҳар хил ихтилофлар чиқиб, рус бўлинмаларига ҳужум қилишди ва хон саройини талашди. Шохин бир қанча ваъдалар беришига қарамай, тахтдан ағдарилди. Улар Баҳодир II ни тахтга чиқаришди. Руслар тезда Кримдаги исённи бостирди. Шохин яна тахтга ўтириб рақибларини қатагон қилди.

Русларнинг Азов бўйидаги кўшинига Суворов кўмондон этиб тайинланди. 1778 йили Кримдаги христианлар (тахминан 30 минг киши) Азов бўйларига, греклар Мариополга, арманлар Нахичеванга кўчирилди.

Шохин бу воқеалардан сўнг усмонийлар ҳукуматига мурожаат этди. Усмонийлар Кримдан рус кўшинининг чиқарилишидан сўнги унинг уни хон деб тан олишларини билдирди. 1782 йили Кримда янги кўзғолон бошланди. Шохин аввал Еникалъяга, сўнг Кубанга қочди. Россия томонидан тан олинмаган Баҳодир II хон этиб сайланди. 1783 йили рус кўшини оғохлантиришсиз Кримга бостириб қирди, Шохин Гирей тахтдан воз кечди. Унга яшаш учун Россиянинг бирорта шаҳрини танлаш имкони берилиб, қаражати учун маблағ ажратилди. Дастлаб Воронежда, сўнг Калугада яшади. Бироз вақт ўтгач усмонийлар ҳукуматининг сўровига биноан Шохин туркларга топширилди ва Родос оролига жойлаштирилди.

1783 йил 8 апрелда Россия императори Екатерина II Крим, Таман ва Кубаннинг Россияга ўтгани ҳақида манифест эълон қилди.

1791 йили Ясса тинчлик сулҳига кўра Усмонийлар давлати Кримни Россия ҳудуди деб эътироф этди.

Шодмон Воҳидов, Адишер Кодиров
"Шарқнинг машҳур сулолалари" китобидан

